

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 11-сон



Бош мұхаррір: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул мұхаррір: Илмий ишлар ва инновациялар бүйіча проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул мұхаррір үринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Раширова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ф.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник мұхаррір: **Н.Юсупов**

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлиб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.11.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишига рухсат этилган (**Баённома № 11**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



Уламо эскирган, китобий нутққа хос сўз сифатида «олим», «олимлар», «шариат қонунларини, диний билимларни мукаммал билган мулла», «мусулмон руҳонийларининг олий мансабли табақаси» [5, II ж., 271] таърифига қўшимча равишда янги луғатда тушунчанинг хосланиш – «ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос [фақиҳ]лари», шунингдек, ижтимоий – «диний муассасаларга, суд [қозилик] маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча ислом дини олимлари» [6, IV ж., 277] деб изоҳ берилади.

Даҳрий сўзи икки жилдли луғатда «дунё ҳодисаларини табиат қонунларидан билувчи, охиратга ишонмовчи киши», «материалист, худосиз, атеист» [2, I ж., 216] тарзида, янги луғатда «Аллоҳнинг борлигига ишонмовчи, худосиз, шаккок» [5, I ж., 582] тарзида изоҳланган. Лекин икки таърифнинг алоҳида жиҳатлари мавжуд: биринчи изоҳда даҳрий сўзининг жамоатчилик учун одатий қабул қилиниши кутилгани, шуни назарда тугиб материалист, атеист каби сўзлар билан изоҳлангани қўриниб туриди. Дарҳақиқат, шўро даврида худосизлик ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланган. Шу туфайли даҳрий сўзига «ижобий» семаси ҳам юкланди. Лекин халқимиз дунёқарашида қайси динда бўлишидан қатъи назар, эътиқоди бўлмаган кишига яхши муносабат кузатилмайди. Бу ҳолат янги изоҳли луғатда ёрқинроқ акс эттирилган. Кейинги йилларда “дунё” ҳамда “даҳр” сўзлари синонимлигига қўра, “дунёвий” ҳамда “даҳрий” (илем, инсонга нисбатан) ишлатилиш ҳолатлари кузатилди. Таъкидлаш жоизки, ўзаклари синоним бўлса-да, улардан ясалган сифатлар тамоман бошқа тушунчаларни англаради. Бу ўринда “дунёвий” сўзининг маъноси мўътадил мавқега эга.

Уммат «бир миллат, бир дин, бир мазҳабга мансуб кишилар, халқ» [5, II ж., 274] маъносини ифодалаган бўлса-да, кейинчалик унинг маъноси бирмунча торайган. Асосан «Мадинада Мухаммад пайгамбар изидан борган ва ислом динини қабул қилган кишилар жамоаси; мусулмонлар» [6, IV ж., 284] ни билдиради.

Вакил сўзи семантик таркибида «бирор киши, муассаса, ташкилот ва ш.к. номидан иш кўришига ваколати бўлган, унинг манбаатларини кўзловчи ва ҳимоя қилувчи шахс», «бирор давлат ёки ташкилотнинг ваколати билан ўзга элларда унинг номидан иш кўрувчи, унинг манбаатларини ҳимоя қилувчи лавозимли киши, элчи», «бирор соҳа, ижтимоий гурӯҳ, жамият ва ш.к.га мансуб киши, намоянда» [5, I ж., 171] маъноларидан ташқари диний тушунча сифатида вакил ота бирикмасида «мусулмонларнинг никоҳ маросимларида келин томонидан тайинланадиган вакил шахс (никоҳ ўқиши, куёв томоннинг келинга бериладиган мол-мулки ва ш.к.ларни келишишда қатнашади)» [6, I ж., 436] маъносини ифодалайди. Демак, сўз айрим валентликлари ва семалари билан диний тушунчани ҳам билдиради.

Мужоҳид сўзи «худо йўлида жанг қилувчи киши» [6, II ж., 629] маъносига эга бўлиб, икки жилдли луғатда берилмаган.

Заифа сўзи икки жилдли луғатда «хотин киши, аёл» каби умумий маъносидан ташқари «эркак никоҳидаги аёл, хотин; рафиқа» маъносини ифодалashi кўрсатилган [5, I ж., 295]. Беш жилдли луғатда иккинчи – хусусий маъноси кўрсатилмаган. Умуман олганда, бу сўз эскилилк бўёғи ҳамда диний семага эга.

Коғир сўзининг икки хил: «гайридин», «дин йўлидан қайтган, худосиз» маънолари берилади. Ҳар икки маъноси билан ҳам тилимизда кенг қўлланади. Лекин иккинчи изоҳ сўзининг моҳиятига кўпроқ мос келади. Халқда гайридиндан қўрқма, коғирдан қўрқ, деган нақл бор. Гайридин ва коғир сўзи «динли», «Худони танувчи», «эътиқодли» ва «динсиз», «худосиз», «эътиқодсиз» семалари билан бир-биридан ажralиб туради.



Жамоат сўзи «Ислом. Энциклопедия»да «муайян мақсадда тўпланган мусулмонлар гуруҳи, жамоаси», «ислом фиқҳида йигилиб намоз ўқиган кишилар», «намоздаги жамоат – икки ва ундан зиёд кишининг фарз намозини битта имомга эргашган ҳолда адо этиши», «кишиларнинг иттифоқликка бирлашиши» [2,159], «Диний атамалар ва иборалар» луғатида сўз «бир мақсад учун йигилган кишилар, муайян мақсадда тўпланган мусулмонлар гуруҳи, жамоаси» [3,62] маъноларини ифодалаши қўрсатилган. Ҳозирги ўзбек тилида «масжидга намоз ўқиши учун борган кишилар тўдаси» маъносидан «халқ, халойиқ, кўпчилик», шунингдек, «кўпчиликка, оммага қарашли, тегишли» [6, II ж., 68] маъноларида ишлатилади. Сўзниг айрим маънолари асосан жамоа шаклига юкландган. Қиёсланг: жамоат хўжалиги – жамоа хўжалиги. Демак, жамоат сўзи диний лексикада «мусулмонлар гуруҳи», «намоз ўқиши мақсадида», «фарз намози ўқиши мақсадида» семалари билан фаоллашади, умумқўлланишда эса маъно кенгайиб, умуман «кўпчилик» семаси фаоллашади.

Хулоса қилиб айтганда, диний тушунчани ифодаловчи сўзлар икки жилди изоҳли луғатда диний ақидаларга ишонмасликни ифодалаш, сўзларга ибтидоийлик, эскилиқ бўёғи бериш ва мифологик характерлаш, бирёқлама таърифлаш, сўз маъносига эмас, унинг [шўро мафкурасига нисбатан] сиёсий, ижтимоий жиҳатларини қўрсатишга эътибор қаратилгани билан ажралиб туради. Янги изоҳли луғатда диний тушунчаларни билдирувчи бир қанча сўзларнинг изоҳлари бирмунча аниқлашган, унинг белгиларини билдирувчи мисол ҳамда изоҳлар билан тўлдирилган. Диний мавзудаги сўзлар изоҳидаги нохолислик, субъективлик каби илим тараққиётига соя соловчи жиҳатларга янги луғатда танқидий ёндашилиб, бу камчиликлар тўғриланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бегматов, Э. Ўзбек адабий тилининг мустақиллик даври ривожига доир// Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, №4.
2. Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017.
3. Умархўжаев, М. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.
4. Фармонова М. Ахлоқшуносликка оид лексемаларнинг тарихий илдизлари //Til va adabiyot ta'limi, 2013, №3.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдили. 1-2-ж.лар. – Москва, 1981.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдили. 1-5-ж.лар. – Тошкент, 2006-2008.



ИСТАК ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ТУРЛИ ФАН СОҲАЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ

Гулибануму Кебайтули

Хитой Халқ Республикаси

Марказий Миллатлар университети

рус ва ўзбек филологияси факультети ўзбек тили ўқитувчиси

Аннотация. Инсон истак-ҳоҳишининг тилда ифодаланиши масаласи ҳанузгача тилишуносларни қизиқтириб келаётган муаммолардан бири саналади. Бу масалани ёритишдан аввал инсонга хос психик жараён ҳисобланган истакнинг моҳияти ва турли фан соҳаларида ўрганилиши ҳақида қисқа маълумот бериб ўтамиш.

Калит сўзлар: истак феномени, онгли эҳтиёж, Г.Х.Вригт, семантик категория, когнитив-коммуникатив категория.

Abstract. The issue of the expression of human desires in language is still one of the problems of interest to linguists. Before covering this issue, we will give a brief overview of the nature of desire, which is a human mental process, and its study in various fields of science.

Keywords: desire phenomenon, conscious need, G.X.Vrigt, semantic category, cognitive-communicative category.

Истак инсоннинг бирон нарсага эгалик қилиш ёки унга эришишга бўлган эҳтиёжини онгли равища ҳис қилиши бўлиб, уни муайян фаолиятга йўналирувчи, ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Е.Ю. Макееванинг эътирофига кўра, “истак бу – биринчи ўринда сўзловчининг исталган нарсага эришишнинг яқин вақтдаги режаси; сўнгра истак бу – интиқлик ва ёқимли кутиш, ва ниҳоят, истак бу – руҳий азоб, соғинч”.⁴⁴

Фалсафий жиҳатдан ёндашганда истак инсоннинг ўзини онгли равища ҳоҳишига жалб қилиши⁴⁵, унинг онгли эҳтиёжи,⁴⁶ юзага келган эҳтиёжнинг англанишини характерлайдиган инсон фаолиятининг мотивидир.⁴⁷ Демак, истак тушунчаси “онгли равишида ҳис қилиш”, “нимани ва нима сабабдан хоҳлаш” ва “хоҳишини амалга ошириш йўлидаги ҳаракат” кабиларни қамраб олади.

Истак психик жараён сифатида инсон табиатининг муҳим қирраси, унинг тириклиги, яшашига туртки берувчи омиилардан бири, ички эҳтиёжларининг ифодасини англатади. Бу жиҳатдан истак универсал, шу билан бирга, ҳар бир инсонда ўзига хос тарзда юзага чиқишига кўра индивидуалдир. Айнан истак инсоннинг шахсияти, кимлиги, атроф-муҳитга муносабати, ҳаётда танлаган йўли, мақсади кабиларни аниқлашга имкон беради.

Истак инсонда муайян мақсадни юзага келтиради, уни шу мақсад йўлида ҳаракат қилишга ундейди. Машҳур философ ва мантиқшунос Г.Х.Вригт қайд этганидек, истак

⁴⁴ Макеева Е.Ю. Функционально-семантическое поле как средство репрезентации концепта «желание» в английском языке (в синхронии и диахронии): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самара. 2006. – С.15.

⁴⁵ Спиноза Б. Избранные произведения: в 2-х т. М.: Мысль, 1957. Т. 1. – С. 464.

⁴⁶ Философская энциклопедия: в 5-ти т. / под ред. Ф. В. Константинова. – М.: Советская энциклопедия, 1962. Т. 2. – С. 124.

⁴⁷ **Философская энциклопедия** [/https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_philosophy/6085/% D0%96](https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_philosophy/6085/%D0%96)



мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг асоси бўлиб, ушбу фаолиятнинг биринчи босқичидаёқ субъектнинг уни амалга оширишдаги башорати ва мақсадга эришишдаги қатъий иродаси билан мураккаблашади. Бу вақтда истак субъектнинг объектни ёгаллашга йўналтирилган нияти сифатида юзага чиқади.⁴⁸

Инсон ўзида ҳосил бўлган истак-ҳоҳишни доимо амалга оширишга ҳаракат қилади. Демак, инсонда истакнинг юзага келиши бирламчи босқичда рўй берса, уни амалга ошириш жараёни эса иккиламчи характерга эгадир. Бу жиҳатдан истакнинг шаклланиши ва амалга ошиши (ёки амалга ошмаслиги) босқичларини фарқлаш лозим бўлади.

Инсон табиатига хос истак турли фан соҳаларида ўрганилиб, бу фанларнинг йўналиши асосида турлича тавсифланади. А.В.Гончарованинг қайд этишича, психологияда истак субъектнинг ўз иродасини ифода этиши қобилияти ва келажакка бўлган интилишлари мотивацияси; антропологияда истак тирик мавжудотларнинг эволюцион натижаларга тизимли равища интилиши; социологияда истак жамиятнинг ривожланишини таъминлайдиган табиий ва ижтимоий куч саналади; истак категориясининг когнитив аспекти инсоннинг когнитив-аффектив ҳолатига урғу беради ва, ўз навбатида, унинг вербал ёки новербал ҳаракатида ўзига хос ифодага эга бўлади (лингвистика).⁴⁹

Кўринадики, истак ҳодисаси кўп қиррали бўлиб, турли фан соҳаларининг ўрганиш обьекти бўла олади. Е.В.Алтабаеванинг қайд этишича, истакнинг моҳиятида аксиологик, интенционал, ҳиссий-иродавий компонентлар иштирок этади. ИСТАК концептида иштирок этувчи бу компонентларнинг фарқи “истак” портретининг тасаввур қилиниши аспектлари билан боғлиқ: аксиологик компонент ўз асосига кўра истакнинг фалсафий аспектига киради, интенционал аспект истакка мантиқий ёндашув натижасида келиб чиқсан; ҳиссий-иродавий аспект эса истакнинг психологик асосига таянади. Истакнинг концептуал мазмунини ташкил қилувчи бу компонентлар ички, чуқур асосланган бирликка эга.⁵⁰

Истак инсон мавжудлиги ва яшашининг муҳим шартларидан бири ҳамда унда кечадиган руҳий жараён натижаси бўлгани боис, аввало, фалсафий антропология ва психологиянинг марказий тушунчаларидан бири саналади. Фалсафий антропологияда истакнинг асл моҳияти: инсон ҳаётидаги ўрни, ижтимоий хусусияти, вазифаси, универсал қадрият эканлиги, инсонда истакнинг қай тарзда юзага келиши, у нималарни исташи каби масалалар очиб берилади.

Кейинги йилларда фалсафада истак феноменининг қуидаги умумий масалалар билан боғлиқ ҳолда ўрганилганлиги кузатилади: инсоннинг озодлиги муаммоси, унинг ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда; инсондаги табиий ва маданий (интуитив ва рамзий, онглиз ва онгли) муаммолар нуқтаи назаридан; маънавий ва жисмоний (ментал

⁴⁸ Бу ҳақда қаранг: Воркачева Е. А. «Сама сущность или природа каждого»: семантика желания и речевое употребление глагола to wish // https://www.gramota.net/articles/issn_1997-2911_2017_3-1_19.pdf

⁴⁹ Гончарова А.В. Лингвистический феномен «желание» в русском и «der Wunsch» в немецком языках // https://pgu.ru/upload/iblock/c16/goncharova-a.v.-_lingvisticheskiy-fenomen-...-_vii_.pdf

⁵⁰ Алтабаева Е.В. Категория оптативности в современном русском языке: Автореф. дисс. докт. Филол. наук. – М., 2003. – С. 10.



ва физик, рухий ва физиологик, субъектив ва объектив реаллик) муаммолар билан алоқадорлиқда; истак илмий билимларнинг ўсиб бориши муаммоси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади.⁵¹ Англашиладики, фалсафада истак тушунчаси кенг талқин қилинади ва инсониятнинг муҳим муаммолари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Инсонда истакнинг рухий жараён сифатида намоён бўлиши масаласи психологиянинг ўрганиш обьекти саналади. Е.В.Красильникованинг қайд этишича, психологияда бирон бир мақсадга, идеалга, орзуга эришишга ҳаракат истак сифатида тушунилади. Истак шахс рухий ҳолатининг энг муҳим вазиятларидан бири ҳисобланиб, унинг хулқи ва фаолиятини шакллантиради; истак, авваламбор, ушбу ҳолатларнинг мотивацисон ва ирода билан боғлиқ аспектларини тавсифлайди. Шу сабабли психологияда истак нафақат фаолият обьектига интилиш (қадриятга алоқадорлик жиҳати) ёки жалб қилиш (ҳиссий томони) сифатида, балки бу ҳаракатни амалга ошириш нияти (хоҳиш) сифатида ҳам тасвирланади. Шу билан бирга, истак (хоҳиш) шахснинг ўзини, иродасини намоён қилиши сифатида тушунилади, негаки инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари унинг истаги асосида белгиланади.⁵²

Истак феноменига мантиқий ёндашувда истакнинг обьектив реалликка муносабати, унинг реаллик ва ирреаллик белгиси, сўзловчининг муносабатини акс эттириши каби масалалар таҳлилига эътибор қаратилади ҳамда модаллик категорияси сифатида ўрганилади.

Тиљшунослиқда истак модаллик ва предикативлик назарияси доирасида ўрганилади. Жумладан, лингвистик тадқиқотларда, хусусан, рус тиљшунослигида истак феномени анъанавий тарзда оптатив модаллик ҳамда субъектив модаллик категориялари доирасида тадқиқ этилди.⁵³ Рус олимаси М.В.Колосова истакнинг модалликка алоқадор эканини қайд этиб, «тилда истак оптативлик ва дезидеративлик модал маънолари орқали намоён бўлиши»ни таъкидлайди.⁵⁴ Олима истак гапларда юзага чиқувчи бу икки модал маъноларнинг моҳиятини қуйидагича тавсифлайди: “Модаллик аспектига тааллуқли истакнинг бу икки маънолари бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Дезидератив кўрсаткичлар инсон ҳолати ҳақида маълумот бериб, оптативликнинг коммуникатив моҳиятига аниқлик киригади. Оптативлик коммуникатив рамка компоненти бўлиб, сўзловчининг тингловчига доимий таъсир қилиш модусини, буйруқ семантикаси: сўзловчи тингловчига гўёки танлов қилишни таклиф қиласи, у ёки бу

⁵¹ Мальцева А.П. Феномен желания: философско-антропологический подход: Автореф. дисс. докт. философ. наук. – Нижний Новгород, 2006.– 36 с.

⁵² Красильникова Е.В. Сопоставительное исследование концептов ‘желание’ и ‘воля’ (на материале русского и английского языков) // Вестник Челябинского государственного университета. Филология. Искусствоведение. 2009. № 22. Вып. 33. – С. 64.

⁵³ Кокова А.В. Лексико-грамматическое поле средств оптативной модальности в немецком языке: Дис. ... канд. филол. наук. – М.: МПГИ, 1985. – 180 с.; Шестакова О.Б. Субъективное модальное значение “желания” и его актуализация в дискурсе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., – 1995. – 18 с.; Алтабаева Е.В. Категория оптативности в современном русском языке: Автореф. дисс. докт. филол. наук. – М., 2003. – 35 с.; Петрова Н.Ю., Данилова Е.А. Средства выражения желательности как одного из значений объективной модальности простого предложения // Научно-методический электронный журнал “Концепт”. – 2017. – Т. 28. – С. 47-50 / <http://e-koncept.ru/2017/770682.htm>

⁵⁴ Колосова М.В. Лексические средства выражения желательности в английском и русском языках (сопоставительный анализ): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2013. – С.3.



49	Генеронимлар ўртасидаги антисемик муносабат Валижоновна И.Х.....	270
50	Речевой этикет как форма знакомства с аудиторией в обучении русскому языку Джумаева Н.И.....	275
51	Personal and social relations in the epic "Subhat Ul-Abror" Дилрабо Х.Н.	280
52	Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари нутқини бойитишнинг лингводидактик аспекти ҳақида Абдуллаева С.Н.....	286
53	Лисоний воситаларнинг функциялари Ибрагимова И.А.....	293
54	«Бобурнома» матнидаги антропоним ва топонимлар таржималарининг pragmatik тадқиқи Муминова М.О.....	299
55	Кўп тилли терминологик луғат тузишининг назарий асослари Нажмиддинов М.Ғ., Нажмиддинов М.Г., Najmiddinov M.G'	306
56	“Бобурнома”даги изофий бирикмаларнинг мавзуйй гуруҳлари Амонов М.У.	316
57	Социологик тадқиқотларда турли ижтимоий гуруҳлар нутқининг ўрганилиши Нуригдинова Р.Н.	322
58	О главных субъектах медиакоммуникации Газиева Д.М.....	326
59	Переводы « Бабур- наме» (заметки в.Тэкстона,США) Отажанов Н., Казакова Р.....	333
60	Фольклор асарларида тақинчоқларнинг рамзийлаштирилиши ҳамда маъданлар орқали сифатланиши Сулайманова М.И.	341
61	Оиласвий мулоқотдаги мурожаатда табу ҳодисаси Сулаймонова Д.А.....	346
62	National and cultural semantics of baking process terms in english, russian and uzbek languages Muminova D.A.....	351
63	Инглиз ва ўзбек тилларида луғатшуносликнинг шаклланиши Ширинкулова Ш.М., Кахарова М.А., Сайдуллаева М.А.....	355
64	Тил ўзлаштиришда нутқ компетенсиясининг ўрни Кадирова Л.У., Дадабаева Г. А. , Тошпулатова Д.Х.....	359
65	Эпитет ўзбек тилида ва унинг турлари Умаралиева Д.Т.....	362
66	Шахс билдирувчи арабча ўзлашмаларнинг меъёrlашуви ва талқини омиллари Қўзиев У.Я., Қодирова Д.Ғ.....	365